

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
4 ЖИЛД, 1 СОН,

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 4, НОМЕР 1

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES**
VOLUME 4, ISSUE 1



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Сеитов Азамат Пулатович
доктор социологических наук
(Doctor of sociology DSc)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Сабирова Умида Фархадовна
кандидат социологических наук
(Candidate of sociology PhD)

Ижтимоий тадқиқотлар журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
International Editorial Board of the Journal of Social Studies
Международный редакционный совет журнала Социальные исследования

22.00.01–Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Бекмурадов Мансур Бобомурадович
доктор социологических наук, профессор
Каланов Комил Куллахматович
кандидат социологических наук, профессор
Убайдуллаева Раиса Турсуновна
доктор социологических наук, доцент

Щепилова Галина Германовна
доктор философских наук, профессор,
Московский государственный университет
им. М.В. Ломоносова (РФ)
Рожанский Михаил Яковлевич
директор центра независимых социологических
исследований (РФ)

22.00.02–Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи.
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни.
Social structures, social institutions and way of life

Умаров Абсалом Адилевич
доктор социологических наук, профессор
Холбеков Абдуғани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор
Шайхисламов Рафазель Бадретдинович
доктор социологических наук, профессор,
Башкирский государственный университет
Сабиров Алишер Сабирович
кандидат социологических наук, доцент

Antonio Alonso Marcos
Ph.D, on International Relations (Испания)
Фадеева Любовь Александровна
доктор социологических наук, профессор
Пермский государственный национальный
исследовательский университет (РФ)
Виктор Агаджаньян
профессор социологии университета
Аризона США

22.00.03–Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Ганиева Маърифат Хабибовна
доктор социологических наук, профессор
Аликариев Нуриддин Сапаркариевич
доктор экономических наук, профессор
Матибаев Тасполат Балтабаевич
доктор социологических наук, профессор
Stephan E. Nikolov
PhD, Senior Research Fellow,
Institute of Sociology, Sofia
Пармонов Фарход Ярашевич
кандидат социологических наук, доцент

Ли Ци
доктор исторических наук, профессор
Шэньсинского Педагогического Университета
(КНР).
Сухомлинова Марина Валерьевна
доктор социологических наук, профессор
Мичуринского государственного аграрного
университета. (ФГБОУ ВО "МГАУ")
Бурнашев Рустам Ренатович
кандидат философских наук, профессор,
Казахстанско-немецкий университет

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Каланов Комил “МУҚАДДАСЛИК” КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ.....	4
2. Убайдуллаева Раиса СОЦИОЛОГИЯ В XXI ВЕКЕ: ПРОБЛЕМЫ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ.....	17
3. Сейтов Азамат, Сабирова Умида СОЦИАЛИЗАЦИЯ СЕМЕЙ В СОВРЕМЕННЫЙ ПЕРИОД РАЗВИТИЯ МАХАЛЛЕЙ УЗБЕКИСТАНА.....	27
4. Аликариева Аълохон СОЦИАЛЬНЫЕ ФАКТОРЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ПОДГОТОВКИ КАДРОВ ВЫСШЕЙ КВАЛИФИКАЦИИ.....	35
5. Каримов Бобир МЕҲР – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ.....	47
6. Мадаминов Баходир ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ОММАВИЙ СПОРТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ.....	55
7. Имомова Нозимахон ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНЛАРИ.....	63
8. Мирзахмедов Хуршид ЁШЛАР ҲАЁТИДА НИЗОЛАРНИНГ СОЦИАЛ ОҚИБАТЛАРИ.....	73
9. Узакова Зарина ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ТРАНСФОРМАЦИИ ТЕРМИНА ИНВАЛИДНОСТЬ И МОЛОДЕЖНОГО ВОЗРАСТА.....	81
10. Эрийгитова Лобар А.ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ВА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ ТАЛҚИНИ (“ЎТКАН КУНЛАР” АСАРИ МИСОЛИДА).....	89
11. Мўминов Зокиржон ТАЪЛИМНИНГ ИЖТИМОИЙ АСОСИ ҲАМДА УНИНГ СОЦИОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ТУЗИЛМАСИ.....	99
12. Амиров Азамат ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАҲЛАРДА “ТАРИХ ФАЛСАФАСИ”ГА БЎЛГАН УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР.....	108

ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Имомова Нозимахон Авазхоновна,
Фарғона давлат университети
“Ижтимоий иш” кафедраси ўқитувчиси
Imomovanozima@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИ КУЧИ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНЛАРИ

For citation: Imomova Nozimaxon Avazkhonovna. Modern processes of labor migration in Uzbekistan. Journal of Social Studies. 2021, vol. 4, issue 1, pp. 63-72

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-7>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда амалга ошаётган миграция жараёнлари ва уларни тартибга солишдаги ҳуқуқий асослар ўрганилган. Мамлакат миқёсида ҳудудлар бўйича ҳисобланган мигрантлар сонининг юқорилиги ҳудудлардаги ишсизлик даражасининг ҳажмига, кўшни республикаларда қариндошлари бўлган фуқаролар сонига, хорижий мамлакатларда ўқиш истагини билдирган ёшлар сонига боғлиқ эканлиги келтирилган. Мамлакатда миграция жараёнлари жадаллигини баҳолаш ва унинг суръатини аниқлашда миграция коэффициенти кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичларга келиш коэффициенти, кетиш коэффициенти ва миграция сальдоси коэффициенти кириб, улар ҳар минг кишига нисбатан ҳисобланган. Юқорида олиб борилган таҳлиллар натижасида, ишчи кучи миграцияси натижасида келиб чиқадиган икки хилдаги: иқтисодий ва ижтимоий оқибатлар муҳим аҳамиятли экани ўз тасдиғини топган. Тадқиқот натижасида, ижтимоий оқибатларни тартибга солишда миллий ва халқаро ҳуқуқий асослар, ташкилий ва социологик дастаклар кенг қўлланилиши ўрганилган.

Калит сўзлар: ишчи кучи миграцияси, ишсизлик, ишчи кучи, мигрант, миграция, бандлик, кўчиб келганлар, кўчиб кетганлар.

Имомова Нозимахон Авазхоновна,
Преподаватель кафедры «Социальная работа»
Ферганского государственного университета,
imomovanozima@gmail.com

СОВРЕМЕННЫЕ ПРОЦЕССЫ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются миграционные процессы происходящие в Узбекистане и правовые основы их регулирования. Отмечается, что большое количество мигрантов в стране зависит от уровня безработицы в регионах, количества родственников в соседних республиках,

количества молодых людей, желающих учиться за рубежом. Показатели коэффициента миграции также используются для оценки интенсивности и скорости миграционных процессов в стране. Эти показатели включают в себя коэффициент прибытия, коэффициент сдвига и коэффициент миграционного баланса, которые рассчитываются на тысячу человек. В результате проведенного анализа было подтверждено, что существует два типа последствий экономической миграции: экономические и социальные последствия. В исследовании исследуется широкое использование национальной и международной правовой базы, организационной и социологической поддержки в регулировании социальных последствий.

Ключевые слова: трудовая миграция, безработица, рабочая сила, мигрант, миграция, занятость, иммигранты, эмигранты.

Imomova Nozimaxon Avazkhonovna,
Teacher at the Social Work Department
of the Fergana State University
imomovanozima@gmail.com

MODERN PROCESSES OF LABOR MIGRATION IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

The article examines the ongoing migration processes in Uzbekistan and the legal framework for their regulation. It is noted that the high number of migrants in the country depends on the level of unemployment in the regions, the number of relatives in neighboring republics, the number of young people wishing to study abroad. Indicators of the migration coefficient are also used to assess the intensity of migration processes in the country and determine its speed. These indicators include the arrival rate, the departure rate, and the migration balance ratio, which are calculated per thousand people. As a result of the above analysis, it has been confirmed that there are two types of economic migration consequences: economic and social consequences. The study examines the widespread use of national and international legal framework, organizational and sociological support in the regulation of social consequences.

Keywords: labor migration, unemployment, labor force, migrant, migration, employment, immigrants, emigrants.

XXI асрда жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви ва либераллашуви жараёнида ишчи кучи миграциясининг аҳамияти мунтазам ошиб бормоқда. Айнан шу боис, ишчи кучи миграциясининг ижтимоий-иқтисодий мазмун ва моҳиятини очиб бериш унинг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Мамлакат фуқароларининг ички ва ташқи меҳнат миграцияси жараёнлари ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан тартибга солинаётган, чет элда ишлаётган фуқароларимиз манфаатлари ҳимоя қилинаётган, зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Корея Республикасида Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхонаси очиб, Россия Федерацияси ва яна бир нечта давлатда ваколатхоналарни очиш юзасидан барча ташкилий ишлар амалга оширилаётган, ишчи кучи миграцияси натижасида келиб чиқадиган ижтимоий ва иқтисодий оқибатларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган бир даврда Ўзбекистонда ишчи кучи миграцияси ва унинг ижтимоий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” [1] ги Қарори доирасида 6 та асосий йўналишнинг ташқи меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорлик ривожлантирилиши, хориждаги ватандошлар ташкилотлари ва ўзбек диаспоралари билан алоқаларни мустаҳкамлиниши; хорижга ишлашга кетишдан олдин фуқароларни касб-хунар ва хорижий тилларга ўқитилиши, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро сертификатлар берилиши; меҳнат мигрантлари молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватланиши, уларнинг ҳаёти

ва соғлиғини суғурталаш амалиёти кенгайтирилиши, улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилиши; меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар реинтеграция қилиниши, шу жумладан, уларнинг бандлиги таъминланиши, касбий малакаси оширилади ва тадбиркорлик ташаббуслари рағбатлантирилиши соҳадаги асосий мақсад ва вазифалар эканлиги, Ўзбекистонда 2020 йил кузига қадар чет элдаги меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оилалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилганлиги ҳам мазкур илмий мақоланинг замон талаби эканини яна бир тасдиғидир.

Ишчи кучининг миграцион ҳаракатларини ўрганиш, мазкур жараёнларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётига таъсири хорижлик иқтисодчи-олимлар: К.Макконел, С.Брю, П.Самуэльсон, А.Маршалл, А.Оукен, И.Фишер, Ровенстейн асарларида ҳам ёритилган бўлиб, уларда меҳнат муносабатлари, миграцион ҳаракатлар ва уларнинг ижтимоий жиҳатлар бўйича дастлабки социологик ёндашув ва қарашлар илгари сурилган [2,3,4].

Шунингдек, ишчи кучи миграциясининг ўзига хос хусусиятлари, келиб чиқиш шарт-шароитлари ва муаммолари МДХ мамлакатлари олимлари А.Агабекян, Г.Авагян, В.Адамчук, В.Буланов, И.Галко, Б.Генкин, Л.Дегтярь, А.Кибанов, Р.Колосова, В.Костаков, А.Попов, Л.Костин, В.Куликова, М.Соколова, А.Дементьева, А.Топилин, А.Понкратова, В.Плакся, Ю.Попов, А.Рофе, С.Рошин ва бошқалар томонидан ўрганилган [5-21].

Шунингдек, мамлакатимиз олимларидан Қ.Х.Абдурахмонов, Р.А.Убайдуллаева, Х.П.Абулқосимов, Д.Н.Рахимова, О.Б.Ата-Мирзаев, Ш.Р.Холмўминов, Н.Қ.Зокирова ва бошқаларнинг тадқиқотларида ишчи кучи миграциясининг келиб чиқиши, шарт-шароитлари ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Мазкур иш ишчи кучи миграциясининг мамлакат ижтимоий ҳаётига таъсирини ўрганиш, унинг салбий оқибатларини бартараф этиш, мазкур жараёнларни бошқариш ва тартибга солиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилган.

Миграция-бу табиий ва илмий-амалий тадқиқотларни талаб этадиган, замонавий глобаллашув даврида мураккаб кўриниш акс этиб бораётган жараёнлардан бири ҳисобланади. Мамлакатлар ривожланиш даражасидан қатъий назар, ушбу жараёнларга алоқадор. Шу жумладан, доимий аҳолиси 34 191,7 минг кишини [22] ташкил этаётган Ўзбекистон ҳам ушбу жараёнларда фаол иштирок этаётган мамлакатлардан биридир.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат мигрантлари сони, 2019 йил [23]

	Худуд	Худуддаги меҳнат мигрантлари сони	Ваколатхоналар томонидан киритилган меҳнат мигрантлари сони
	Жами	236520	925
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	8448	45
Вилоятлар:			
2.	Андижон	20253	60
3.	Бухоро	25754	43
4.	Жиззах	8314	23
5.	Қашқадарё	11362	241
6.	Навоий	1775	6
7.	Наманган	20542	53
8.	Самарқанд	14318	161
9.	Сирдарё	8609	9
10.	Сурхандарё	30452	66
11.	Тошкент	3732	37
12.	Фарғона	30051	129
13.	Хоразм	51147	41

14.	Тошкент шаҳри	1762	10
-----	---------------	------	----

Мамлакат миқёсида ҳудудлар бўйича ҳисобланганда, мигрантлар сони бўйича энг юқори ўринларда Хоразм, Сурхандарё ҳамда Фарғона вилоятлари эканини кўришимиз мумкин. Ҳудудлардаги мигрантлар сонини юқорилиги бир неча омилларга боғлиқ. Жумладан:


- ҳудудлардаги ишсизлик даражасининг ҳажмига;
- қўшни республикаларда қариндошлари бўлган фуқаролар сонига;
- хорижий мамлакатларда ўқиш истагини билдирган ёшлар сонига.

2017-2019 йилларда аҳолининг бандлик ва ишсизлик даражасини таҳлил қиладиган бўлсак, юқори бандлик даражаси Тошкент шаҳридан кейин, Тошкент, Андижон ва Навоий вилоятларида, нисбатан паст бандлик даражаси Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида кузатилганини кўришимиз мумкин. Ишсизлик даражаси бўйича юқори ишсизлик даражаси 9,3 фоиз билан Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд вилоятларида кузатилган [23].

2020 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси орасида ишсизлик даражаси 13,2% ни ташкил этган. 2019 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 9,1% ни ташкил этган эди [23].

COVID-19 пандемияси даврида коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга қаратилган карантин чора-тадбирлари меҳнат бозорига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Ишга муҳтож бўлганлар сони 1,94 млн кишини ташкил этди. 16–30 ёшдаги ишсизлик даражаси 20,1 фоизга, аёллар орасида 17,4 фоизга этди [24].

Дастлабки маълумотларга кўра, меҳнат ресурслари сони 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 0,6 фоизга кўпайди ва 19 млн кишини ташкил этди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига COVID-19 нинг салбий таъсири сабабли иш билан банд бўлганлар сони 5 фоизга камайиб, 12,7 млн кишига етди. Чет элга ишлашга кетган фуқаролар сони 2 миллион кишини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг биринчи ярмига нисбатан 553,2 минг кишига ва 2020 йилнинг биринчи чорагига нисбатан 232 минг кишига кам [24].



1-расм. 2017-2019 йилларда вилоятлар кесимида ишсизлик даражаси, фоизда [25]

2020 йилнинг январь-июнь ойларида хорижий мамлакатларга кўчиб кетганлар сони республика бўйича 4710 кишини ташкил этди. Худудлар бўйича энг кўп кетганлар сони Қорақалпоғистон Республикаси (1460 киши), Тошкент вилояти (1274 киши) ва Тошкент шаҳри (1132 киши) ҳиссасига тўғри келади. Бу ҳақда Давлат статистика қўмитаси хабар бермоқда.

Сурхондарё (22 киши), Бухоро (28 киши), Андижон ва Хоразм (54 кишидан) вилоятларидан нисбатан кам одам кўчиб кетган.

Ўзбекистондан фуқаролар Қозоғистон (2770 киши), Россия (1737 киши), Исроил (37 киши), Қирғизистон (28 киши), Тожикистон (18 киши) ва бошқа давлатларга (120 киши) кўчиб кетган.

Чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий сафар мақсади қариндошларни бориб кўриш - 57,6%. Кейинги ўринда эса сайёҳлик мақсадида - 2,9%, ўқиш мақсадида - 0,8%, даволаниш, хизмат юзасидан - 0,4%ни ташкил этади [26].

Тадқиқот давомида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг хорижга чиқиш бўйича сабаблари ҳам ўрганилган.

2-жадвал

Ўзбекистонда ишчи кучи миграциясининг асосий сабаби*

	Жавоблар (фоизда)
Ишсизлик	9
Иш ҳақининг пастлиги	80
Хорижга бўлган интилишнинг юқорилиги	7
Мутахасислик бўйича иш ўринларининг мавжуд эмаслиги	4

*Сўровнома муаллиф тадқиқотлари натижасида ўтказилган.

Сўровнома натижаларига кўра, респондентларнинг ўртача ёши 25-35 ни ташкил этиб, уларнинг 80 фоизи Ўзбекистонда ишчи кучи миграциясининг асосий сабаби иш ҳақининг пастлиги деб, келтирган. 2020 йил январь-март ойларида Ўзбекистон бўйича юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда ишловчиларнинг ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2,5 млн сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 26,5 фоизга ошди. Худудларда айрим иқтисодий фаолият турлари бўйича республикадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи нисбатан энг паст кўрсаткичлар кузатилди. Жумладан, саноат иқтисодий фаолият тури бўйича – Сирдарё (40,9 фоиз), Наманган (35,1 фоиз), Жиззах (30,6 фоиз) ва Сурхондарё (23,6 фоиз) вилоятларида, қурилиш иқтисодий фаолият тури бўйича - Жиззах (36,3 фоиз), Қашқадарё (34,0 фоиз), Фарғона (32,6 фоиз) ва Хоразм (26,4 фоиз) вилоятларида, ташиш ва сақлаш иқтисодий фаолият тури бўйича – Андижон (56,5 фоиз), Тошкент (52,7 фоиз), Жиззах (50,8 фоиз) ва Сирдарё (49,7 фоиз) вилоятларида ҳамда банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятида – Наманган, Сирдарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида 20 фоиздан кўп камайиш кузатилди [27].

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида нисбатан паст бандлик даражаси кузатилиши билан бирга, мигрантлар сони бўйича энг юқори ўринларда ҳам Хоразм, Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоятлари туришини, иш ҳақининг нисбатан паст кўрсаткичлари ҳам айнан ушбу вилоятлар ҳиссасига тўғри келишини кўришимиз мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатда миграция муносабатларини тартибга солиш фақатгина мамлакатдаги миграция тўғрисидаги ҳуқуқий асослар билан тартибга солиб бўлмайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини имзолади. Унга мувофиқ, 6 та асосий йўналиши белгиланди. Улар қуйидагилар:

ташқи меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорлик ривожлантирилади, хориждаги ватандошлар ташкилотлари ва ўзбек диаспоралари билан алоқаларни мустаҳкамланади;

хорижга ишлашга кетишдан олдин фуқароларни касб-хунарга ва хорижий тилларга ўқитилади, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро сертификатлар берилади;

меҳнат мигрантлари молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватланади, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш амалиёти кенгайтирилади, улар учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилади;

меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар реинтеграция қилинади, шу жумладан уларнинг бандлиги таъминланади, касбий малакаси оширилади ва тадбиркорлик ташаббуслари рағбатлантирилади [31].

Хорижий иш берувчилар ва уларнинг вакиллари билан бевосита келишувлар тузиш ҳамда тузилган келишувларга асосан фуқароларни ишга юбориш; хорижий мамлакатларнинг ҳудудий миграция ва бошқа давлат органлари билан алоқалар ўрнатиш ва музокаралар ўтказиш, хориждаги ватандошлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш; хорижий (халқаро) молия институтлари миграция соҳасини ривожлантиришга ажратиладиган грантларини жалб қилиш кабилар Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ҳудудий филиалларининг ҳуқуқлари сифатида ҳам белгиланди [29].

Ўзбекистонда 2020 йил кузига қадар чет элдаги меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оилалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Ушбу чора жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган 2020 йилга мўлжалланган Давлат дастури лойиҳасида кўзда тутилган.

Аммо бундан ташқари, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ишчи кучи миграцияси ижтимоий оқибатларини олдини олиш мақсадида ишсизлик ва бандлик даражасини ҳам ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан тартибга солиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг аҳолиси ўзига хос тузилиши билан ажралиб туради. 2018 йил маълумотларига мувофиқ мамлакат аҳолисининг 14 641, 6 минги иқтисодий фаол ҳисобланади [24].

Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси сони кўпайиши баробарида иш қидириб четга чиқаётган фуқаролар сони ҳам ошиб бормоқда. Шуниси қизиқки, бу рақамларнинг ўзаро нисбати 10 – 11 фоиз атрофида деярли ўзгармас бўлиб турибди. Бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг ҳар ўнинчи иқтисодий фаол фуқароси ҳар йили иш топиш мақсадида хорижга чиқади. Шу ўринда 2018 йил статистикасида келтирилган маълумотлар (4,1 миллион киши) бундан мустасно эканини қайд этиш жоиз.

Бироқ бу хорижда меҳнат қилаётган ўзбекистонлик мигрантларнинг умумий сонини акс эттирмайди. Россия Федерацияси ИИВ ва Марказий банкдан олинган маълумотларга кўра, сўнгги 3 йилда йилига қарийб 4 миллион Ўзбекистон фуқароси ушбу мамлакатда миграция ҳисобига қўйилган. Уларнинг қарийб ярми Россияга “иш” топиш мақсадида борган.

Ушбу рақам Ўзбекистондан Россияга чиқиб кетганлар миқдори билан таққосланганда, мантиқсизлик бордай кўринади. Ўзбекистон Республикаси Статистика давлат қўмитасининг маълум қилишича, 2016 – 2018 йиллар мобайнида ҳар йили 1,18 - 1,3 миллион ўзбекистонлик Россияга чиққан. Россия миграция хизмати ҳисобида турган Ўзбекистон фуқаролари сони бу ердан Россияга борганлар сонидан бир неча бор кўп.

Бундай тафовутнинг иккита сабаби бор.

Биринчидан, Ўзбекистон фуқаролари йил мобайнида икки ёки уч маротаба, масалан, ҳар сафар 3 ойдан ҳисобга қўйилган бўлиши мумкин.

Иккинчидан, кўплаб ўзбекистонликлар Россияга узоқ муддатга – бир неча йилга боради. Улар ўз ватанига қайтмаган ҳолда регистрационий узайтиради ёки қайта миграция ҳисобига қўйилади.

Россиядаги Ўзбекистон фуқаролари сони тобора ортиб бормоқда. Буни миграция ҳисобининг ижобий сальдоси ҳам тасдиқлайди – ҳисобга қўйилган ва ҳисобдан чиқарилган Ўзбекистон фуқаролари сони ўртасидаги фарқ йилига

Деярли 2,6 миллион Ўзбекистон фуқароси хорижда меҳнат қилмоқда. Уларнинг 80 – 85 фоизи Россияда экан. Иқтисодий фаол аҳоли сони 14,6 млн кишидан кўплиги ҳисобга олинса,

бу ишга лаёқатли ҳар бешинчи ўзбекистонлик меҳнат мигранти, ҳар еттинчи иқтисодий фаол фуқаро Россияда ишлашини кўрсатади.

Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда 2,5 миллион киши (иқтисодий фаол аҳолининг 20 фоизи), қарийб 34 миллион аҳолиси бўлган мамлакатдан ташқарида ишлайди, улардан икки миллионга яқини Россияда.

2019 йилда доимий яшаш учун Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганлар сони 13 246 кишини ташкил қилди [24].

Энг кўп Қозоғистонга - 57,5% (7615 киши) ва Россияга - 37,7% (4990 киши) кўчиб кетиш ҳолати қайд этилган.

Кейинги ўринларда 0,8 % билан АҚШ (112) ва 0,7 % билан Исроилга (99 киши) қайд этилган. Қолган 3,3 % эса бошқа давлатлар ҳиссасига мос келади.

Россияга келганлар сони 2018 йилда 4 фоизга - 565,7 минг кишигача камайди. Чиқиб кетганлар миқдори 17 фоизга - 440,8 минг кишигача ошди.

2006 йилдан буён узоқ хориж мамлакатлари билан миграция алмашинуви илк бор салбий кўрсаткичга етди (минус 4199 киши) [24].

Ўзбекистон Россияда бўлиб турган мигрантлар сони бўйича ҳали ҳам етакчилик қилмоқда. Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2018 йилда Ўзбекистоннинг 4,5 миллион нафар фуқаролари миграцион рўйхатга олинган, 3,25 миллион киши - рўйхатдан олинган (сальдо 1,25 миллион) .

Мутахассис фикрига кўра, мигрантлар орасида аёллар сони кўпайиши – бу умумжаҳон тренди. Аёллар сони ошиши – мигрантлар болаларининг ҳам сони ошишига ҳам олиб келади.

Шунингдек, турли ёшдаги мигрантлар ҳам кела бошлади. Олдинлари асосан ўрта ёшли бирор мутахассисликка эга бўлган кишилар келган бўлса, ҳозир ҳеч қандай иш тажрибасига эга бўлмаган ёш фуқаролар ҳам келмоқда.

Шунингдек мигрантлар орасида қишлоқдан келган кишилар сони ҳам ошмоқда. Демак келаётган кишиларнинг аксарияти олий маълумотга эга эмас, рус тилини билиш даражаси ҳам анча паст. Охирги вақтларда миграция соҳасида ана шундай трендлар кузатилмоқда.

Мамлакатда миграция жараёнлари жадаллигини баҳолаш ва унинг суръатини аниқлашда миграция коэффиценти кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичларга келиш коэффиценти, кетиш коэффиценти ва миграция сальдоси коэффиценти кириб, улар ҳар минг кишига нисбатан ҳисобланади.

3-жадвал

2018-2019 йилларда аҳоли миграцияси кўрсаткичи [30]

	Келиш		Кетиш		Миграция сальдоси	
	2018 й.	2019 й.	2018 й.	2019 й.	2018 й.	2019 й.
Ўзбекистон Республикасида	83,9	78,9	90,1	82,4	-6,3	-3,5

Кетиш коэффиценти мазкур ҳудуд аҳолисининг миграция фаоллиги, келиш коэффиценти эса ҳудуднинг мигрантлар учун қулай эканлигини тасвирлаб беради. Миграция сальдосининг миқдори (ижобий ёки салбий) миграциянинг ишчи кучи бозорини шакллантиришга бевосита таъсирини тавсифлайди. Бунга мазкур минтақадаги келган ва кетганлар таркибидаги фарқ (тафовут) таъсир қилади. Мусбат белги мазкур ҳудудга аҳолининг келиши, манфий белги жўнаб кетганлигини билдиради.

3-жадвал маълумотларини, 2019 йилда аҳоли сони 33,3 млн киши бўлганини ҳисобга олган ҳолда аҳолининг келиш жадаллиги коэффиценти ҳисоблаганимизда 2,36 фоиз, аҳолининг жўнаб кетиш жадаллиги коэффиценти 2,47 фоизни, миграция қолдиғи эса -0,11 фоизни ташкил этганини кўришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда меҳнат миграциясини тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари, хорижда мамлакат фуқароларини ҳимоя қилиш механизмлари шакллантирилди. Ёшларни иш билан таъминлаш, уларни касб-хунар ва тадбиркорликка жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси соҳасини либераллаштириш Ўзбекистон меҳнат мигрантларига халқаро меҳнат бозорининг тўлақонли иштирокчиларига айланишига имкон берди. Хусусан, қабул қилинган ўндан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ташқари, хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш соҳасида икки томонлама ҳуқуматлараро битимлар тузилди.

Касбий таълим даражаси меҳнат бозорида ҳам фаолликка, ҳам муносиб меҳнат шароитларига эга бўлиш имкониятига таъсир қилувчи яна бир муҳим омил. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотларига кўра, сўнгги беш йилда коллеж битирувчиларининг ўртача 45-50 фоизи ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминланган. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, меҳнат мигрантларини қайта бирлаштириш мақсадида 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 151 минг ёшни иш билан таъминлашга ёрдам берилди. Жамоат ишлари фондидан ёшларни жамоат ишларига жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш учун 60 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Шунингдек, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси 5,8 минг ёш тадбиркорга субсидия сифатида қишлоқ хўжалиги кооперативларининг устав фондига 13 миллиард сўмга яқин маблағ ажратди.

“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига топширилган 30 та коллеж базасида, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камида биттадан «Ишга марҳамат» мономаркази ва касб-ҳунар таълими марказларини ташкил этиш кўзда тутилган. Мазкур марказларда биринчи навбатда ишсиз ва кам таъминланган оилалар аъзоларига тадбиркорлик ва касб-ҳунар асослари ўргатилади. Қорақалпоғистон Республикаси туман ва шаҳарларида босқичма-босқич шундай мономарказ ва касб-ҳунар таълими марказлари ташкил этиш режалаштирилмоқда [32].

Шу билан бирга, меҳнат мигрантларига муносиб шароитлар яратиш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш учун ваколатли хорижий ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш талаб этилади. Бу, ўз навбатида, соҳани янада такомиллаштириш, хорижий тажрибани ўрганган ҳолда мамлакатимизда ташқи меҳнат миграциясига тааллуқли ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритишни талаб этади.

Юқорида олиб борилган таҳлиллар натижасида ишчи кучи миграцияси натижасида келиб чиқадиган икки хилдаги оқибатлар муҳим аҳамиятли экани ўз тасдиғини топди. Улардан бири иқтисодий омиллар бўлиб, уларнинг оқибатларини тартибга солишда ҳуқуқий асослар, иқтисодий ва молиявий дастаклар қўлланилади.

Иккинчи турдаги оқибатлар ижтимоий оқибатлар бўлиб, улар иқтисодий оқибатларга нисбатан кўзга ташланмаслиги, ишчи кучи миграцияси амалга ошгандан кейин камида 15-20 йил ўтиб, ўзини намоён қиладиган оқибатлар ҳисобланади. Одатда, ижтимоий оқибатларни тартибга солишда миллий ва халқаро ҳуқуқий асослар, ташкилий ва социологик дастаклар кенг қўлланилади.

Мамлакатда миграция жараёнлари жадаллигини баҳолаш ва унинг суръатини аниқлашда миграция коэффициенти кўрсаткичларидан фойдаланилади. Ушбу кўрсаткичларга келиш коэффициенти, кетиш коэффициенти ва миграция сальдоси коэффициенти кириб, улар ҳар минг кишига нисбатан ҳисобланади.

Кетиш коэффициенти мазкур ҳудуд аҳолисининг миграция фаоллиги, келиш коэффициенти эса ҳудуднинг мигрантлар учун қулай эканлигини тасвирлаб беради. Миграция сальдосининг миқдори (ижобий ёки салбий) миграциянинг ишчи кучи бозорини шакллантиришга бевосита таъсирини тавсифлайди. Бунга мазкур минтақадаги келган ва кетганлар таркибидаги фарқ (тафовут) таъсир қилади. Мусбат белги мазкур ҳудудга аҳолининг келиши, манфий белги жўнаб кетганлигини билдиради.

Тадқиқот натижасида шаклланган хулосалар натижасида тадқиқотчи томонидан қуйидагилар тақлиф этилади:

1. Мамлакатнинг хорижий консулликлари ҳузурида нодавлат агентликларни ташкил этиш. Бундай агентликлар жамоа бирлашмалари шаклида фаолият олиб бориб,

хорижий мамлакатда яшаётган ва хорижий мамлакат фуқаролигини олган ўтмишда мигрант мақомига эга бўлган, аммо ўзбеклар билан алоқанининг узилиши хоҳламайдиган, миллий урф-одатлар ва қадриятларни сақлаб қолиш истагида бўлганлар ёрдамида ташкил этилади.

2. Мамлакатда олий маълумотли шифокор, дастурчи, муҳандис сингари мутахассисларни ва олимларни сақлаб қолишнинг энг муҳим усули, уларнинг маошларини ошириш ва хорижга кетмай туриб, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлашига имконият яратиш.

3. Мамлакат меҳнат миграциясини тартибга солишдаги муаммолардан яна бири ҳуқуқий асосларнинг етарли эмаслиги. Давлат ва ҳукумат томонидан қабул қилинган миграцияни тартибга солишда муҳим ҳужжат бўлган қонуности ҳужжатлари бўлса-да, “Миграция тўғрисида”ги Қонуннинг мавжуд эмаслиги, асосий зарур бўлган ҳолатлардан биридир. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатдаги ишчи кучи эмиграция ва иммиграция жараёнларини тартибга солишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан:

Ташқи меҳнат мигрантлари, уларнинг расмий миграцияни амалга ошириш жараёнидаги ижобий жиҳатларни қонун билан белгилаш;

Миграция натижасида келиб чиқадиган ижтимоий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида масъул ташкилотларни белгилаш ва бошқалар.

Тадқиқот давомидаги хулосаларга таянган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Миграция тўғрисида”ги Қонунида қуйидаги бандларнинг акс эттирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистонда ишлаш учун Ўзбекистонда ишлаш учун рухсатномага эга бўлишлари керак.

4. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида ватанпарварлик руҳини ривожлантириш ташқи меҳнат миграциясини ҳам, миграциянинг асосий сабабларидан бири бўлган коррупциянинг ҳам қисқаришида муҳим йўналиш бўлиши мумкин. Ватанпарварлик руҳини фуқаролар орасида ривожлантириш фақат мактаб даражасини қамраб олиши эмас, балки ушбу туйғуни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳар бир ёш қатламига йўналтирилиши лозим. Чунки миграцияни амалга истаги ҳар қандай ёшда ва вазиятда юзага келиши мумкин. Ушбу чора-тадбирлар радио, телеведения ва ижтимоий роликлар орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори. ПҚ-4829-сон 15.09.2020. <https://lex.uz/docs/4997972>
2. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. (перевод с англ.). – М.: Инфра-М, 2002. – с. 399.
3. Самуэльсон П. Экономика. – М.: Инфра-М, 1994.
4. Агабекян Р.Л., Авагян Г.Л. Современные теории занятости 2-е, перераб., доп. изд. – М.: Юнити-Дана, 2004. – С.190.
5. Адамчук В.В. Экономика и социология труда. – М: Юнити-Дана, 2001. – С. 407.
6. Буланов В.С. и др. Рынок труда. Учебник. – М.: Экзамен, 2004. – С. 479.
7. Галко И.К., Ломоносов Е.З. Экономическая социология. Белорусская наука, 2005 г. – С.720.
8. Генкин Б.М. Экономика и социология труда. Учебник для вузов. –М.: Норма, 2006. – С. 416.
9. Дегтярь Л.С. Трудовой потенциал общества и социальная политика: из опыта европейских стран-членов СЭВ. – М.: 1994.
10. Кибанов А.Я., Митрофанова Е.А., Управление трудовыми ресурсами: Учебник . – М.: ИНФРА-М 2013
11. Колосова Р.П. Экономика труда. – М.: МГУ, 2004.

12. Костаков В., Попов А. Интенсификация использования трудового потенциала. – М.: 1992, 61-с.
13. Костин Л.А. и др. Рынок труда и теории занятости. – М.: 1997. – с. 430.
14. Куликова В.В. Современная экономика труда. – М.: ЗАО «Финстатинформ», 2001.
15. Соколова М.И., Дементьева А.Г. Управление человеческими ресурсами: Учебник для вузов. – М.: Проспект, 2005. – с. 240.
16. Топилин А.В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития. – М.: Экономика, 2004. – с. 321.
17. Панкратова А.С. Социология труда. – М.: Инфра-М, 2004. – с. 161.
18. Плакся В.И. Безработица: теория и современная Российская практика (социально-экономический аспект). – М.: РАГС, 2004. – с. 384.
19. Попов Ю.Н., Шевчук А.В. Введение в социологию труда и занятости. – М.: Дело, 2005.
20. Рофе А.И. Экономика и социология труда. – М.: Институт экономики и права, 2003. – с. 366.
21. Рощин С.Ю., Разумова Т.О. Экономика труда (Экономическая теория труда). Учебное пособие. – М.: Инфра-М, 2000. – с. 400.
22. <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-shahar-va-qishloq-aholisi-qanchaga-osgani-malum-qilindi>
23. <https://labormigration.uz/#/citizensRegStat>
24. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statistika-uz/6555-mehnat-bozori>
25. Ўзбекистонда ишсизлик даражаси 13,2 фоизни ташкил қилди. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/08/03/ishsizlik/>
26. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statistika-uz/6555-mehnat-bozori>
27. 2018 йилда чет элга кетган ўзбекистонликлар сони кескин ошди. <https://kun.uz/news/2019/01/30/2018-yilda-chet-elga-ketgan-ozbekistonliklar-soni-keskin-oshdi>
28. 2018 йилда чет элга кетган ўзбекистонликлар сони кескин ошди. <https://kun.uz/news/2019/01/30/2018-yilda-chet-elga-ketgan-ozbekistonliklar-soni-keskin-oshdi>
29. Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори. 14.09.2020. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/14/migratsiya/>
30. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-iyun/uz/14.pdf>
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида"ги Қарори. <https://aoka.uz/article/u8w0zukslw4h-hawfsiz-tartibli-wa-onunij-menat-migraciq-tizimda-andaj-zgarishlar-bladi>
32. <https://soliq.uz/page/ilmmarifati-va-raqamli-iqtisodiyotni-rivojlantirish-yili>

**ИЖТИМОЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
4 ЖИЛД, 1 СОН,

**ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
ТОМ 4, НОМЕР 1

**JOURNAL OF
SOCIAL STUDIES**
VOLUME 4, ISSUE 1

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000